
Делегация аъзоларининг ташрифи

Хабарингиз бор, Фарғона ва Қирғизистоннинг Норин вилоятлари раҳбарлари учрашуви доирасида вилоятимизга ташриф буюрган Қирғизистоннинг Норин вилояти делегацияси туман ва шаҳарларда бўлиб, у ерларда амалга оширилаётган ислоҳотларлар билан танишмокдалар. Амалий ташриф билан Фарғона вилоятида бўлиб турган Қирғизистоннинг Норин вилояти губернатори Собирқул Ашимбаев бошчилигидаги делегация бугун Риштон туманидаги “Халқаро кулолчилик маркази” ва уста кулол Равшан Тожиддинов уй музейига ташриф буюришди. Делегация аъзоларида “Халқаро кулолчилик маркази”даги кулолларга яратиб берилган шароитлар катта таассурот қолдирди. Равшан Тожиддинов музейи ҳам меҳмонларни лол қолдирди.

Риштон тумани ҳокимлиги ахборот хизмати

2021-03-20 06:22:05